

## IV-VIII АСРЛАРДА ЧАГОНИЁНДА СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТІСОДИЙ ҲАЁТ

М.Э.Әргашев

Термиз давлат унверситети

жағон тарихи кафедраси в.б. доценти. т.ф.б.ф.д. (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1455261>

**Аннотация.** Уибұ мақолада илк ўрта аср давлатчилги бўлмиши Чаганиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати ва иқтисодий ҳолати ёритилган. Чагониён қулай табиий-географик ҳудудда жойлашиши билан бирга, бой вилоят ҳам эди. Шу сабаб ўрта асрлар даври манбаларида Чагониён давлатининг маъмурий-бошқарув тизими, ижтимоий-сиёсий аҳволи, унинг қўшини мамлакатлар билан олиб борган элчилик ва савдо-сотиқ муносабатлари ҳақида кўпгина маълумотларни учратиш мумкин.

**Калим сўзлар:** Накши Рустам, Кушонлар, Эфталитлар, Шопур I, Кушоншаҳр, Вараҳран I, Термиз, Қидоло, Тоҳаристон.

## POLITICAL AND SOCIO-ECONOMIC LIFE IN CHAGANIAN IN THE 4TH-8TH CENTURIES

**Abstract.** This article examines the socio-political and economic situation of Chaganian, the first medieval state. Chaganian was located in a favorable natural and geographical area, and was also a rich province. Therefore, in medieval sources, one can find a lot of information about the administrative and management system of the Chaganian state, its socio-political situation, its diplomatic and trade relations with neighboring countries

**Keywords:** Nakshi Rustam, Kushans, Hepthalites, Shapur I, Kushanshahr, Varahran I, Termez, Kidolo, Tokharistan.

## ПОЛИТИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЖИЗНЬ ЧАГАНИАНА В IV-VIII ВЕКАХ.

**Аннотация.** В статье описывается общественно-политическое и экономическое положение государства Чагания в эпоху раннего средневековья. Чаганиян был богатым регионом, к тому же располагался в благоприятной природно-географической зоне. По этой причине в источниках средневекового периода можно найти много сведений об административной и системе управления Чаганского государства, общественно-политическом положении, его посольстве и торговых связях с соседними странами.

**Ключевые слова:** Накши Рустам, кушаны, эфталиты, Шапур I, Кушаншахр, Вараҳран I, Термиз, Қидоло, Тоҳаристан.

Чагониён қулай табиий-географик ҳудудда жойлашиш билан бирга, бой вилоят ҳам эди. Шу сабаб ўрта асрлар даври манбаларида Чагониён давлатининг маъмурий-бошқарув тизими, ижтимоий-сиёсий аҳволи, унинг қўшини мамлакатлар билан олиб борган элчилик ва савдо-сотиқ муносабатлари ҳақида кўпгина маълумотларни учратиш мумкин. Бизга қадар етиб келган ёзма хабарлар билан бир қаторда археологик маълумотлар ҳам Чагониённинг ўрта асрлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қиласи.

Милодий III аср ўрталарида Кушонлар империяси оғир ижтимоий-сиёсий инқизорзга дуч келди. Бир томондан, мамлакатдаги ички низолар давлатни күчсизлантириб қўйган бўлса, иккинчи томондан, сосонийлар Эрони ўз тазиқини тобора кучайтириб бормоқда эди. Охир-оқибат сосонийларнинг қўли баланд келди. 262 йилда Шопур I нинг Нақши Рустамдаги Кааба-ье Зардуштда ёздирган ғалаба битигида Кушоншаҳрдан то Пешоваргача, Турун, Кеш, Сўғд ва Шошистон ўлкалари босиб олингандиги қайд этилади<sup>1</sup>.

Сосонийларнинг ҳарбий юришлари Шимолий Бақтрияга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, Термиздаги Қоратепа будда ибодатхонаси инқизорзига сосонийларнинг босқини сабаб бўлиши мумкин. Чунки, қазишмалар вақтида ибодатхона ҳовлиларидан биридаги токчада, шошилинч тарзда хом ғиштдан қурилган оташкада топилган, унинг ўрнида илгари маҳобатли будда ҳайкали бўлган. Бу ерда буддавийлик ибодатхонасини зардустийлик ибодатхонасига айлантириш ҳаракатлари кузатилади<sup>2</sup>. Шунга ўхшаш ҳолат Чагониён шаҳарларида ҳам рўй берган. Холчаён ва Даљварзинтепа сингари шаҳарларда тушкунлик аломатлари сезилади.

Босиб олингандарда сосонийларга қарам Кушоншаҳр (Кушон шоҳлиги) ташкил этилган. Унинг таркибига Чагониён ерлари ҳам кирган. Кушоншаҳрнинг асосий ерлари Тохаристонда бўлиб, Термиздан то Пешоваргача бўлган худудларни ўз ичига олган эди. Вилоятни кушон-сосоний ҳукмдорлар бошқаришган. Ўрта Осиёдан ўтувчи барча савдо йўлларини назорат қилиш кушон-сосоний ҳокимлари бўйнига юклangan эди. Балхнинг ўзида сосоний подшолари – Вараҳран I (273-276) ва Нарс (293-302) тангалари зарб қилинган<sup>3</sup>. Шу билан бирга, кушон-сосоний ҳокимларга олтин ва мис тангалар зарб қилиш ҳуқуки берилган. Улар ўз пулларини кушонлар стандарти асосида зарб қилишган. Негаки, Ҳиндистон билан савдо алоқалари мустаҳкам бўлиб, у ерда ҳали кушонлар давридаги танга зарб қилиш анъаналари ўз аҳамиятини йўқотмаган эди<sup>4</sup>.

Археологик манбалар ва нумизматик материалларга қараганда, Бақтрия-Тохаристонда сосонийлар ҳукмронлиги мустаҳкам бўлмаган<sup>5</sup>. Сосоний тангаларининг зарб қилиниши мунтазам давом этмаган. IV аср ўрталарига келиб, шимолдан келган кўчманчи кидарий қабилалари сосонийларнинг Бақтрия-Тохаристондаги ҳукмронлигига чек қўяди<sup>6</sup>. Жумладан, хитой йилномаси «Бей-ши»да хабар қилинишича, юэчжилар ҳукмдори жужанлар ҳужумидан безор бўлиб, ўз саройини Боло (Балх) шахрига кўчиради. Шундан сўнг довюрак юэчжи ҳукмдори Цидоло (Jiduoluo) ўз қўшинлари билан катта тоғлардан ўтиб, Шимолий Ҳиндистонга ҳужум қилди ва Гантолодан шимолдаги бешта давлатни ўзига бўйсундирди. «Бей-ши»даги бошқа маълумотда ёзилишича, Катта юэчжи ҳукмдори Кидолу

<sup>1</sup> Third Century Iran Sapor and Kartir. By Martin Sprengling. Prepared and distributed at the Oriental institute university of Chikago. Chikago, 1953. –Р. 7, 14.

<sup>2</sup> Ставиский Б.Я. Кушанская Бақтрия. –Б.176.

<sup>3</sup> Nikitin A.B. Notes on the Chronology of the Kushano-Sasanian Kingdom // Coins, Art and Chronology. Wien, 1999. –Р. 259-263.

<sup>4</sup> Brunner Christopher. Geographical and Administrative divisions: Settlements and Economy // [The Cambridge History Of Iran: Volume 3 \(2\). The Seleucid, Parthian, and Sasanian periods. Edited by Ehsan Yarshater](#). Cambridge: Cambridge University Press. 1983. –Р. 770.

<sup>5</sup> Завъялов В.А. Кушоншаҳр при сасанидах. По материалам раскопок на городище Зартепа. СПб: Факультет филологии и искусств СПбГУ, 2008. –С.152.

<sup>6</sup> Brunner Christopher. Geographical and Administrative divisions: Settlements and Economy. –Р. 770.

хуннлар томонидан қувилиб, ғарбга кетишга мажбур бўлгач, ўз қароргоҳини ўғлига топширади. Шундан сўнг бу мулклик Кичик юэчжи номини олган<sup>7</sup>.

Нумизматик маълумотларга кўра, Ҳиндикушдан жанубдаги худудларда браҳми тилидаги «Кидара кушана ша» сўzlари ёзилган тангалар топилган. Бу тангалар 390-430 йиллар оралиғида чиқарилган. Хитойча Jiduoluo сўзи Ki-da-ra деб талқин қилинади<sup>8</sup>. Хитой йилномаларида Кидоло билан тангаларда битилган Кидара айнан бир одамга тегишли бўлган<sup>9</sup>. Бу эса кидарийларнинг кушонларга қардош эл эканлигини кўрсатади.

Гумилевнинг ёзишича, 418-419-йилларда жужанлар Тарбағатойда яшаган хуннлар билан юэчжиларнинг қолдиқларининг тор-мор келтиришгач, улар жанубга силжиб, Боло шаҳрини эгаллайдилар. Бу ерда улар Эрон сосонийлари ва эфталийлар билан тўқнашишган<sup>10</sup>. Кидаранинг сафдошлари – кидарийлар тарихда этник номлари билан эмас, балки ўз йўлбошчисининг номи билан аталиб қолган<sup>11</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, қадимги Бақтрия-Дахя ўлкаси милодий 383 йилдан бошлаб хитой йилномаларида Тухоло-Тоҳаристон деб атала бошланган<sup>12</sup>. Унгача бу юрт Катта Юэчжи хонадони мулклиги номи билан аталар эди. Шу боис кўпчилик тадқиқотчилар юонон манбаларидаги тоҳарларни хитой йилномаларида қайд этилган юэчжилар билан айнан бир деб билмоқдалар. Тоҳаристон – «тоҳарлар юрти» демакдир.

Тоҳаристон – географик жиҳатдан шимолда Ҳисор тоғларидан то жанубга Ҳиндикуш тоғларигача, шарқда Помир тоғларидан ғарбда Мурғоб дарёсигача бўлган худуд бўлиб, қадимги Бақтрия ерларига тўғри келади.

Милодий V аср ўрталарига қадар кидарийлар ва сосонийлар ўртасида шиддатли курашлар олиб борилди. Бу курашда сосонийларнинг қўли баланд келди. Аммо улар Тоҳаристон ерларида узоқ қолишимади. Сиёсий майдонга эфталийлар чиқиб келишди. Улар 456 йилда Хитойга элчи юборишли. Сосонийлар билан бўлган курашда ғолиб чиқиб, Эронга жуда катта миқдорда ўлпон тўлашга мажбур қилишди.

Истилочилик юришлари натижада V асрнинг иккинчи ярми ва VI асрнинг бошларига келиб Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Шарқий Эрон, Шимолий Ҳиндистон ва ҳозирги Афғонистон ерларини ўз ичига олган кудратли Эфталийлар давлати шаклланади. Унинг майдони кушонлар давлатидан кўра анча катта бўлса-да, сиёсий жиҳатдан унча мустаҳкам эмас эди. Шунга қарамай, бу давлат Ўрта Осиё ва бошқа шарқ давлатлари тарихида муҳим роль ўйнади. Эфталийлар қарийб 200 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида давом этиб келаётган сосонийлар Эрони тажовузига нафақат чек қўйди, балки уларни бутунлай мағлубиятга учратди. Муҳими, эфталийлар, Кушон ва Қанғ давлатлари инқирозидан сўнг юзага келган тарқоқликка чек қўйиб, Ўрта Осиёни ягона давлатга бирлаштира олдилар.

Милодий VI асрдан бошлаб Чагониённинг иқтисодий-сиёсий маркази ҳозирги Денов

<sup>7</sup> Бичурин И. Том II, -С. 264-266.

<sup>8</sup> Kuwayama S. Across the Hindu Kush of the First Millennium. Kyoto: Institute for Research in Humanities, 2002. – P.128.

<sup>9</sup> Гафуров Б. Таджики. Том I. –С. 245.

<sup>10</sup> Гумилев Л.Н. Эфталиты-горцы или степняки. «Вестник древней истории», 1967, № 3. –С. 93- 94.

<sup>11</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. –Тошкент: Фан, 2007. –Б. 18.

<sup>12</sup> Литвинский Б.А., Соловьев В.В. Средневековая культура Тоҳаристана (В свете раскопок в Вахшской долине). Москва: Наука, 1985. –С. 119.

шахридан 6 км жануби-шарқда, Қизилсувнинг Сурхондарёга қўйилиш жойидаги Будрач шаҳрига ўтди. Шаҳар милоддан аввалги I асрдан то милодий XVI асрга қадар мавжуд бўлган<sup>13</sup>.

Чағониён – эфталийлар давлатининг йирик вилоятларидан бири бўлган. Бу ўлкани «чағонхудот» (*Čağān-Xiđāh*) унвонига эга хукмдор бошқарган<sup>14</sup>. Чагонхудотлар томонидан тангалар зарб қилиш йўлга қўйилган. Жумладан, Будрачдан сосоний подшолари Пероз ва Хисров I нинг кумуш тангалари билан бирга чағонхудотларнинг мис тангалари ҳам топилган<sup>15</sup>. Бундан ташқари, Пероз тангаларига тақлидан ясалган эфталий тангалари Хайрободтепа, Холчаён ва Далварзинтепадан ҳам учрайди<sup>16</sup>. Чагониёндан топилган эфталий тангаларида подшо унвони – ҳдоло ҳам келтирилган бўлиб, бу сўз қадимги бақтрча «хукмдор» деган маънони англатади<sup>17</sup>.

VI аср ўрталарида Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият кескинлашади. Эфталийлар давлати шимолдан Турк ҳоқонлиги, жанубдан сосонийлар Эрони билан курашишга мажбур бўлди. Ушбу воқеалар муносабати билан Абулқосим Фирдавсий шундай деб ёзади: Чагониён, Шикон, Чин ва Вахр [шоҳларининг] ҳеч бири бу душманликка алоқадор эмасди<sup>18</sup>.

Абу Ханифа ад-Динаварийнинг маълумотига кўра, сосоний Хисрав I эфталийлар юртига қўшин юбориб, Тоҳаристон, Забулистон, Қобулистон ва Чагониённи забт этган. Турк ҳоқони Синжибу эса қўшини билан Чоч, Фарғона, Самарқанд, Кеш, Насафни эгаллаб, Бухорога қадар борган<sup>19</sup>. Фирдавсийнинг ёзишича, урушлар натижасида, Чоч, Парак, Самарқанд ва Сўғддаги кўпгина ерлар хонавайрон бўлиб, бойқушлар маконига айланган. Чагониён, Вами, Хутталён ва Балх учун қора ва аччиқ кунлар бошланган<sup>20</sup>.

Бухоро остонасида бўлган ҳал қилувчи жангда эфталийлар хукмдори Гатифар ҳалок бўлади. Мағлубиятга учраган эфталийлар жануб томон чекиниб, Чагониён ҳокими Фаганишни хукмдор қилиб сайлашади. Шу орада Хисров I юриш қиласи. Фаганиш унинг ҳокимиётини тан олади. Эрон билан Турк ҳоқонлиги ўртасида музокаралар ўтказилади. Музокаралар натижасида мағлуб этилган эфталийларнинг ерлари иттифоқчилар ўртасида бўлиб олинади. Унга кўра, Тоҳаристон, Забулистон, Қобулистон ва Чагониён ўлкалари Хисровга, Шош, Фарғона, Самарқанд, Кеш, Насаф ва Бухоро Турк ҳоқонига ўтади. Эътиборли томони, ад-Динаварий қадимги Бақтрия ерларидан фақат Тоҳаристон ва Чагониённинг Хисрав I Ануширвон қўлига ўтганлигини маълум қиласи.

<sup>13</sup> Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия – средневековый Токаристан. –С. 6.

<sup>14</sup> Marquart J. Eransahr nach der Geographie des Ps. Moses Xorenaci. Mit historisch - kritischem Kommentar und historischen und topographischen Excursen. Berlin: Weidmannsche Buchhandlung, 1901. –Р. 226.

<sup>15</sup> Пугаченкова Г. А. Уникальная группа монет чаганианского чекана VI в. // Культура и искусство древнего Хорезма. –Москва: Наука, 1981. –С. 256-262.

<sup>16</sup> Чагониён тарихи. –Б. 35.

<sup>17</sup> Humbach H. Baktrische Sprachdenkmäler. Teil I. Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1966. –S. 34.

<sup>18</sup> Беленицкий А.М. Историко-географический очерк Хутталя с древнейших времен до X в. н. э. –С. 56.

<sup>19</sup> Шмидт А.Э. Материалы по истории Средней Азии и Ирана // Учёные записки Института востоковедения АН СССР. Том 16. Москва-Ленинград, 1958. –С. 453.

<sup>20</sup> Беленицкий А.М. Историко-географический очерк Хутталя с древнейших времен до X в. н. э. –С. 57.

## REFERENCES

1. Third Century Iran Sapor and Kartir. By Martin Sprengling. Prepared and distributed at the Oriental institute university of Chikago. Chikago, 1953. –P. 7, 14.
2. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия. –Б.176.
3. Nikitin A.B. Notes on the Chronology of the Kushano-Sasanian Kingdom // Coins, Art and Chronology. Wien, 1999. –P. 259-263.
4. Brunner Christopher. Geographical and Administrative divisions: Settlements and Economy // The Cambridge History Of Iran: Volume 3 (2). The Seleucid, Parthian, and Sasanian periods. Edited by Ehsan Yarshater. Cambridge: Cambridge University Press. 1983. –P. 770.
5. Завьялов В.А. Кушаншахр при сасанидах. По материалам раскопок на городище Зартепа. СПб: Факультет филологии и искусств СПбГУ, 2008. –С.152.
6. Brunner Christopher. Geographical and Administrative divisions: Settlements and Economy. –P. 770.
7. Бичурин И. Том II, -С. 264-266.
8. Kuwayama S. Across the Hindukush of the First Millennium. Kyoto: Institute for Research in Humanities, 2002. –P.128.
9. Гафуров Б. Таджики. Том I. –С. 245.
10. Гумилев Л.Н. Эфталиты-горцы или степняки. «Вестник древней истории», 1967, № 3. – С. 93- 94.
11. Habibullo o‘g‘li, R. M. (2023). SURXON VOHASI TOQCHI QAVMINING AN’ANAVIY TURMUSH TARZI.
12. To‘Rayev, S. G. O. G. L., & Raxmonov, M. X. O. G. L. (2022). BX KARMISHEVA TADQIQOTLARIDA SURXON VOHASI YUZ URUG‘LARINING ETNIK TAVSIFI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 43-51.
13. Рахмонов, М. (2023). Surxon vohasi toqchi qavmlari hududiy joylashuvining ilmiy tahlili. *История и культура центральной Азии*, 1(1), 341-344.
14. Rahmonov, M. (2023). TRADITIONAL LIFESTYLE OF THE TOKCHI PEOPLE OF SURKHAN OASIS. *Modern Science and Research*, 2(4), 720-722.